КОИНОТЛАР ИБОДАТИ

Муаллиф: Носир Муҳаммад Аҳмад

Арабчадан Умму Жамол ўгирган

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала росулиллаҳ...

Аллоҳ таоло айтади: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Ваз-зарият: 56).

Аллоҳга ибодат – яъни қулчиликни адо этиш – адо этилиши шарт бўлган шаръий талабдир. Зеро, Аллоҳ азза ва жалла бутун борлиқни, яъниким инсонни, жинни, фаришталарни, ҳайвонларни, ўсимлигу жамодотларни Ўзига ибодат қилишлари учун яратди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларни Ўзининг тавҳиди (яккалиги)ни ҳамда улуҳияти (ҳақ маъбуд экани)ни тан олишга, У зотга муҳтожлигига иқрор бўлишга, тамоман таслим бўлишга табиатлантирди. Лекин, биз одамзот аталмиш мавжудотнинг У зотдан бурилаётганини, Аллоҳга ҳақиқий қулчилик қилишдан узоқлашаётгани ва дунёнинг лаззату шаҳватларига шўнғиётгани каби қизиқ ишларига дуч келамиз. Шу сабаб инсон коинот даражасида умумий олганимизда ибодати энг кам, гуноҳи энг кўп, бироқ қулчилик мақомларида ўзини энг юқори санайдиганлардан бўлиб қолди. **«Ҳалок бўлгур инсон-а! Бунчалар кофир бўлмаса!»** (Абаса: 17).

Барча пайғамбарларнинг ўз қавмларига олиб келган даъватларининг ғояси ҳам бандалик – қулчиликни рўёбга чиқаришлик эди: **«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва тоғут** (Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган ҳар

бир нарса)**дан йироқ бўлинглар»,** (деган ваҳий билан) **бир пайғамбар юборганмиз»** (Наҳл: 36).

Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломга туширган биринчи ваҳийси ҳам: **«Дарҳақиқат Мен Аллоҳдирман.** (Ҳеч қандай ҳақ) **илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни тўкис адо қил!»** (Тоҳа: 14) бўлди.

Исо алайҳиссаломнинг ўз қавмига айтган биринчи сўзлари: **«Албатта Аллоҳ Роббим ва Роббингиздир. Бас, Унга бандалик қилингиз! Мана шу тўғри йўлдир!»** (Оли Имрон: 51) демоқлиги бўлди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таоло: **«То сизга аниқ-нарса** (яъни, ўлим соати) **келгунича Рббингизга ибодат қилинг!»** (Ҳижр: 99) деб амр этди.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам бандаликни рўёбга чиқаришда эргашиладиган энг олий намуна бўлдилар. Бандаликнинг энг юқори мартабасига ва энг олий манзилатига етиб бордилар. Бандалик сифати билан сифатланишга энг лойиқ бўлиб, бошқа инсон зоти эга бўлмаган улуғ сифатлар эгаси бўлдилар.

Энди инсон ва унинг Аллоҳга бандалиги мавзусига қайтайлик. Бироқ, бу ҳақда батафсил суҳбат юритишдан олдин инсондан бошқа коинот ва махлуқотларнинг ўша ибодат-қулчиликка қанчалик узоқ ё яқинлигига назар ташлайлик.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Еру осмон орасида менинг Аллоҳнинг расули эканимни билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Фақат инсон ва жинлардан менга осий бўлганлари мустасно»**.

Алллоҳ таоло айтади: **«Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот** (Аллоҳга) **тасбеҳ айтар. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин сизлар** (эй инсонлар)**, уларнинг тасбеҳ айтишларини — поклашларини англамассизлар. Дарҳақиқат, У Ҳалийм ва мағфиратли зотдир»** (Исро: 44).

Гапни ҳайвонларнинг ибодати – бандалигидан баъзи кўринишларни олиб келишдан бошлаймиз. Яъни, уларнинг ўзларига хос ибодатлари бўлиб, баъзиларининг номлари инсонларнинг ибодатлари билан муштарак, лекин кайфиятда фарқли бўлади. Уларнинг аксар ибодатларининг кайфиятини билиб, англай олмаслигимиз мумкин, лекин уни Яратувчи ва унинг элчиси берган хабарлардан билиб оламиз.

Ҳайвонлар ўз яратувчисига аксар инсонларнинг ибодатидан анча гўзал ибодатларни қиладилар. Улар Раббиларига сажда қиладилар: **Осмонлар ва Ердаги барча жониворлар ва фаришталар ҳам кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида ёлғиз Аллоҳга сажда қилурлар»** (Наҳл: 49).

Ҳайвонларнинг ибодатларидан бир кўриниши – улар қиёмат жума куни бўлишини билганларидан жума куни қўрқиб турадилар, ваҳоланки инсонларнинг кўплари бундан ғофил. Имом Аҳмад саҳиҳ санад билан Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Ҳайвон зоти борки, жума куни қиёмат қойим бўлиб қолишидан қўрқиб, диққат билан қулоқ солиб туради»**.

Ҳайвонларнинг ибодатларидан яна бир қизиқ кўриниш шуки, улар ер юзида бирон бузғунчи кимса ўлса, бундан роҳатланишар экан. Имом Бухорий «Саҳиҳ»да келтирган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам бир жаноза олдидан ўтиб қолдилар ва: **«Ўзи ҳам роҳатланувчи ва бошқалар ҳам ундан роҳатланувчи»**, дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, Ўзи ҳам роҳатланувчи деганиз нимасию, бошқалар ҳам ундан роҳатланувчи деганиз нимаси?», деб сўрадилар. **«Албатта, мўмин банда дунёнинг озор ва машаққатларидан Аллоҳ таолонинг раҳматига кўчиб, роҳатланади. Фожир бандадан эса бандалар ҳам, диёрлар ҳам, дарахту ҳайвонлар ҳам қутуладилар»**, дедилар.

Демак, ҳайвонлар ер юзида бузғунчи кимсалар борлигидан безовта бўлишади, чунки бузғунчи кимса Аллоҳ азза ва жаллага қарши урушга чиққан бўлади. Шунинг учун бузғунчи кимса ўлса, бундан ҳайвонлар роҳатланар экан. Субҳаналлоҳ! Ҳатто ҳайвонлар ҳам Аллоҳнинг дўстлари билан душманлари орасини ажрата олар эканлар! Инсонларнинг кўплари эса бундан ғофил.

Мана шу ҳайвон ва жониворлардан бири – сигирдир. Имом Бухорий «Саҳиҳ»да ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Бир киши сигирини етаклаб бораётиб баногоҳ унга миниб олди ва урди. Шунда сигир: «Биз бунинг учун яратилмаганмиз, балки ер ҳайдаш учун яратилганмиз» деди»**, дедилар. Одамлар: «Субҳаналлоҳ, сигир гапирса-я!» дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мен бунга ишонаман, Абу Бакр ва Умар ҳам ишонади»**, дедилар.

Сигир Аллоҳ азза ва жалланинг амри билан ҳалиги одамга у ўзига ёмон муомала қилаётганини, бундай қилиш Аллоҳнинг убудиятига зид иш эканини, уни бесабаб уриш ножоиз эканини, у ер ҳайдаш ва бошқа шу каби ишлар учун яратилган эканини,

у ўзига буюрилган ибодат билан машғул эканини тушунтириш учун гапирди.

Балиқларнинг ибодати ҳам ҳайвонларнинг ўзига хос ибодатларига мисол бўлади.

Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Олимга осмонлару ердаги барча нарсалар, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтиб туради»**.

Термизий ривоятида: **«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари, еру осмон аҳли, ҳатто уясидаги чумоли ва (денгиздаги) балиқлар ҳам одамларга яхшиликни таълим берувчи кишига салавот-истиғфор айтиб туради»**.

Демак, денгиздаги балиқлару, инидаги чумолилар ҳам олимларнинг, даъватчиларнинг, солиҳ кишиларнинг, одамларга яхшилик ўргатувчиларнинг фазилатларини қадрлар эканлар.

Ибн Можа ривоятидан маълум бўладики, бутун коинотнинг юқори-ю пасти, ҳайвонлари, ўсимликлари, жамодотлари ҳамма-ҳаммаси илм аҳлининг, даъват аҳлининг, одамларнинг фойдасини кўзлайдиган ва уларга яхшиликни таълим берадиган кишиларнинг манзилатини қадрлайдилар, уларга истиғфор айтиб турадилар. Субҳаналлоҳ! Инсонларнинг кўплари ўзларининг олимлари, даъват соҳиблари, машойихлари, кишиларга яхшиликни таълим берувчи муаллимларидан ғафлатдалар!

Ҳайвонларнинг ибодатларига яна бир ғоят қизиқ мисол – бўрининг ибодати.

Имом Аҳмад саҳиҳ санад билан келтирган, Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади:

«Бўри бир қўйга ҳужум қилиб, уни чангалига олди. Чўпон унинг ортидан етиб олиб, қўйини ундан тортиб олди. Шунда бўри думини босиб ўтирди ва: «Аллоҳдан қўрқмайсанми? Аллоҳ менга ризқ қилиб берган нарсани мендан тортиб олаяпсан», деди. Чўпон: «Во ажаб, бўри думи устига ўтириб олиб, инсондек гапираяпти!» деди. Бўри: «Сенга бундан ҳам ажабланарли нарсанинг хабарини берайми? Ясрибда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) деган киши одамларга илгари ўтганларнинг хабарини бераяпти», деди. Чўпон подасини ҳайдаб, Мадинагача етиб келди, қўйларини Мадинанинг бир четига қўйиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди ва бўлган воқеани у зотга айтиб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқлари билан «Ассолату жомиъа» (Жамоат намозига) деб нидо қилинди. У зот чиқиб келдилар, сўнг чўпонга: «Уларга ҳам гапириб бер» дедилар, у гапириб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, у тўғри сўзлади», дедилар».

Жониворларнинг ибодатларидан яна бири – хўрознинг ибодати: у намозга уйғотади.

Имом Аҳмад келтирган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Хўрозни сўкманглар! Чунки, у намозга чақиради»**. Абу Довуд ривоятида: **«Чунки, у намозга уйғотади»**.

Демак, хўрозни бемаҳалда чақиряпти деб сўкиш мумкин эмас, чунки, у маъруфга буюрмоқда, намозга чорламоқда. Шундай экан, нимага энди намозга чақирадиган одамларни сўкадилар?! Яхши иш қилгани, яъни намозга чақиргани боис бир хўрозга-ки озор бериш жоиз бўлмаса, намоз ва бошқа яхшиликларга буюрадиган, жамиятда тобора кенг тарқалиб

бораётган ёмонликлардан қайтарадиган кишиларни сўкиш, тергаш қандай жоиз бўлсин?!

Ҳеч шубҳа йўқки, бундай кишиларга эътироз билдириш Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида энг хунук ва энг ёмон амаллардандир.

Энди ўсимликларнинг ибодатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ҳам жуда қизиқ.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда айтганидек: **«Ўт-ўлан ҳам, дов-дарахт ҳам** (ёлғиз Аллоҳга) **сажда қилур — бўйсунур»** (Раҳмон: 6).

Ибн Можанинг «Сунан»ида саҳиҳ санад билан келтирилган ҳадис бундан ҳам ажойиб. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида эдим, бир киши келиб, деди: «Мен бу кеча тушимда кўрдимки, бир дарахтга қараб намоз ўқияпман экан. Сажда оятини ўқиб, сажда қилган эдим, дарахт ҳам сажда қилди. Сўнг унинг шундай деяётганини эшитдим: «Эй Аллоҳ, шу саждам туфайли менинг гуноҳларимни ўчиргин, менга ажр ёзгин ва мен учун ўз ҳузурингда захиралар қилгин». Ибн Аббос айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни сажда оятини ўқиб, сажда қилганларини кўрдим, саждаларида ҳалиги киши айтиб берган дарахтнинг қилган дуосини қилганларини эшитдим».

Дарахт азонни эшитади, муаззинга жавоб айтади. Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу деди: «Агар саҳроларда бўлсанг, азонни баланд овозда айт. Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Муаззиннинг овозини жинми, инсонми, дарахтми, тошми эшитса, албатта унга гувоҳлик беради»** деганларини эшитганман».

Дарахт ҳаж ва умра қилувчи билан бирга талбия (лаббайка) айтади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Бир талбия айтувчи лаббайка айтса, ернинг у ёғидан бу ёғигача ўнг ва чап томонида бўлган дарахт ё тош ё кесак албатта у билан бирга лаббайка айтади»** (Термизий, Ибн Можа ривояти).

Дарахтларда кофир ва яҳудлардан безор бўлиш, мўминларга дўст бўлиш ибодатини рўёбга чиқариш ҳам мавжуд. Бу эса яҳудларга ялтоқланаётган, улар билан дўстлашиш ва яқинлашишни истайдиган кимсалар ўрнак олса арзийдиган гўзал бир ибодат намунасидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Токи мусулмонлар яҳудлар билан жанг қилмагунларича ва уларни ўлдирмагунларича қиёмат қойим бўлмайди. Ҳатто яҳудий тош ва дарахт ортига яширинib олса, тош ва дарахт: «Эй мусулмон, эй Аллоҳнинг бандаси, менинг ортимда яҳудий бор, кел, уни ўлдир» дейди». Ибн Можа ривоятида: «Фақатгина ғарқад дарахти гапирмайди, у уларнинг дарахтидир».**

Демак, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло дарахтни гапиртиради, у Аллоҳга бандалиги, Аллоҳга ва мусулмонларга дўст бўлганлиги учун ва яҳудлардан безорлиги туфайли гапиради. Ҳатто, дарахт яҳудларнинг бор бўлишига рози бўлмайди, мусулмон тезроқ келиб уни ўлдиришини истайди, «Эй мусулмон, эй абдуллоҳ, ортимда яҳудий бор, кел, уни ўлдир» дейди. Бизларга нима бўлганки, яҳудлар қаршисида дарахтларча ҳам бўлолмаймиз?! Бундай кимсалар ғарқадийлардир, яҳудий унсурни дарахт ҳам, тош ҳам хоҳламайди, аммо ажабки, баъзи бир ғарқадийлар – таъбир

жоиз бўлса – Раббиларига ибодат қилишда мана шу дарахт ва тошлардан ҳам анча паст даражадалар.

Денгизнинг ҳам бир неча хил ибодатлари бор. Улар ичида энг ажиби имом Аҳмад Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб келтирган ҳадиси қудсийдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Раббиларидан ривоят қилиб айтдилар: **«Ҳар кеча денгиз Аллоҳ таолодан уларни оқизиб кетишга изн сўраб уч бора кўтарилади, Аллоҳ таоло уни тўхтатиб қолади»**. (Албоний ҳадисни заиф деган ИНТ)

Ё субҳаналлоҳ! Денгиз ғазабдан тўлиб-тошса, ҳар кеча одамзотни ютиб юбориш ва ҳалок қилиш учун Раббидан уч марта изн сўраса! Сабаби – одам боласининг гуноҳлари, улардан талаб қилинган ибодатни адо қилмаганликлари! Аллоҳга осий бўлаётган одамзотни кўришга денгиз ҳам тоқат қилолмайди, унинг ҳалок бўлишини орзу қилади. Лекин Аллоҳ таоло ўзининг ҳалимлиги, меҳрибонлиги, бизга бўлган раҳмати туфайли уни бу орзусига етишига йўл қўймайди.

Коинот адо этадиган ибодатлардан яна бири – тоғларнинг ибодатидир.

Уларнинг саждалари ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **«**(Эй Муҳаммад), **сиз осмонлардаги ва ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва** (барча) **жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар** (ёлғиз) **Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми? Кўп** (одамларга эса кофир бўлганлари сабабли) **азоб ҳақ бўлгандир. Кимни Аллоҳ хор қилиб қўйса, бас, уни** (ҳеч ким) **азиз қилгувчи бўлмас. Албатта Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани қилур»** (Ҳаж: 18).

Уларнинг тасбеҳ айтишлари ҳақида шундай дейди: **«Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб**

бўйсундириб қўйдик. Биз шундай қила олгувчидирмиз» (Анбиё: 79).

«Албатта Биз тоғларни кечки пайт ва эрталаб (яъни мудом) у билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйсундириб қўйдик» (Сод: 18).

Тоғларнинг Аллоҳдан қўрқишлари бундан ҳам ажиб: **«Агар Биз ушбу Қуръонни бирон тоғга нозил қилганимизда, албатта сиз у** (тоғ)**ни Аллоҳнинг қўрқувидан эгилиб ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз. Биз бу мисолларни одамлар учун, шояд улар тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз»** (Ҳашр: 21).

Тоғлар нақадар салобатли ва пурвиқор бўлмасин, Аллоҳдан шунчалар қўрқади. Яна такрор айтамиз, кўп одамлар ғафлатдадирлар.

Мусулмон биродар! Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳнинг тоғларнинг убудияти ҳақида айтган мана бу ажойиб ва фойдали сўзларига бир қулоқ тутинг-а! У Аллоҳ таолонинг тоғларни яратишдан бўлган ҳикматини айтиб ўтгач, шундай дейди:

«Шунингдек, тоғ Раббига ҳамд ва тасбеҳ айтади, хушуъ қилади, сажда қилади, қаттиқ қўрқади, қўрқувининг зўридан тошлари думалайди. У ўзининг метинлигига, улкан қилиб яратилганига қарамасдан омонатни зиммасига олишдан Раббидан, яратувчисидан қўрқди, уни кўтаришга ожизлик қилди. Чунки унга бу омонатни Парвардигори кўндаланг қилган эди. Тоғлардан баъзиси борки, Аллоҳ унинг устида Ўзининг калими Мусо билан гаплашган эди. Яна шундайи борки, Рабби унга тажалли қилганида у уқаланиб, қумтепага айланиб қолган эди. Шундай бир тоғ борки, Аллоҳ Ўз пайғамбарини ва унинг асҳобларини унга суюкли қилиб қўйган, Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари ҳам уни яхши кўришарди. Яна иккита тоғ борки, Аллоҳ уни Ўз пайғамбарига қалъа қилиб берди, улардан бирининг этагида Сафони, иккинчисининг этагида Марвани қилди, ҳаж ва умра ибодатлари пайтида шу иккиси ўртасида саъй қилишни машруъ қилди. Арафот майдони узра қад кўтарган Раҳмат тоғи борки, унда қанчадан-қанча гуноҳлар мағфират қилинади, не-не хатолар афв қилинади, қанча-қанча ҳожатлар раво бўлади... Яна бир тоғ борки, унда Ҳиро ғори бор, у ғорда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рабби билан холи қолардилар, ундан бутун оламга нур таралганди. (Инсонлару тоғлардан Ўзи истаганларини Ўз раҳматига хослаган Зот барча айбу нуқсондан покдир). Шундай бўлса-да, мана шу тоғ ҳам ўзи учун белгилаб қўйилган бир кун борлигини, ўша куни ўзининг бутунлай қўпорилиб кетишини, юнг каби титилиб кетишини билади ва ўша куннинг қўрқинчидан хавотирга тушади. Мана шундай тош-метин бўлган тоғларнинг аҳволи шу бўлар экан, Парвардигорнинг улуғлиги ва буюклигидан қўрқувга тушиб майдаланиб кетар экан, уларнинг яратувчиси бўлган Зот хабар бериб, агар Ўзининг каломини улар устига туширганида, улар Аллоҳнинг қўрқувидан майда-майда бўлиб кетарди, деган экан, ажабки, бир тишлам гўштдан вужудга келган заиф инсоннинг дийдаси тошлардан ҳам қаттиқ бўлса!!! Аллоҳнинг оятлари ўзига тиловат қилинаётганини эшитади-ю, бироқ юмшамайди, хушуъ қилмайди!!!» (Иқтибос тугади).

Энди шамолни мисол қилиб олсак, уни сезамиз, лекин кўрмаймиз. Унинг ҳам ўзига хос идроки борлигини билган пайтимизда эса бизда унинг ишидан ажабланиш пайдо бўлади. Шамол Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундирилган эди. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас Биз унга унинг амри билан у истаган**

томонга майин эсаверадиган шамолни бўйсундирдик» (Сод: 36).

Бу махлуқнинг ибодати – бандалигидан яна бир ажиб мисол шуки, у бир мунофиқнинг ўлимидан қўзғолган. Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Жобир розияллоҳу анҳу ривояти билан келтирган ҳадисда айтилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сафардан қайтдилар. Мадинага яқинлашганларида тўсатдан қаттиқ шамол турди, ҳатто отлиқни ҳам кўринтирмай қўядиган чанг-тўзон кўтарилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Бу шамол бир мунофиқнинг ўлими сабабли турди»**, дедилар. Мадинага келганларида маълум бўлдики, ҳақиқатан мунофиқларнинг катталаридан бири ўлган экан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларидаги бир мунофиқнинг ўлимидан қўзғолган шамол ҳақида бир ўйлаб кўринг, эй Аллоҳнинг бандаси! Замонамиз мунофиқлари бу ҳадисдан бехабармикинлар?! Бундай эмас деб ўйлайман.

Коинотлар бандалигининг яна бир мисоли – ер ва осмонлар ибодати, уларнинг энг биринчиси уларга ҳам омонатнинг кўндаланг қилинишидир: **«Албатта Биз бу омонатни** (яъни шариати Исломийядаги тоат-ибодатларни) **осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у** (ўзига) **зулм қилувчи ва нодон эди** (яъни бу омонатнинг нақадар вазмин юк эканлигини бутун коинот билди ва уни кўтаришга қурби етмаслигини сезди, аммо инсон ўзи билмаган ҳолда ўта мушкул вазифани ўз зиммасига олди)**»** (Аҳзоб: 72).

Еру осмонлар Раббиларига тўла итоатдалар: «**Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва Ерга:** «(Менинг

амри-фармонимга) **ихтиёран ёки мажбуран келинглар!» деган эди, улар: «Ўз ихтиёримиз билан келдик,** (амрингга бўйсундик)**», дедилар»** (Фуссилат: 11).

Уларнинг бандаликларидан энг ажиб кўриниши – улар ширкка рози бўлмайдилар. Насоролар Аллоҳга фарзанд нисбат беришиб, Ийсо Аллоҳнинг ўғли дейишганда еру осмонлар бу бўҳтонни эшитибоқ вайрон бўлаёздилар. Аллоҳ азза ва жалла айтади: **«Унинг** (оғирлигидан) — **Раҳмоннинг боласи бор, деган** (гапнинг оғирлигидан) **осмонлар ёрилиб, ер бўлиниб, тоғлар парчаланиб қулаб кетишга яқин бўлур. Раҳмон учун бола тутиш лойиқ эмасдир** (яъни У зот болага муҳтож эмас)**»** (Марям: 90-92).

Шунингдек, еру осмонларнинг бандаликларига бундан ҳам қизиқроқ мисол – уларнинг солиҳ мўминлардан ажралганларига йиғлашларидир. Аллоҳ таоло: **«Бас, уларга осмон ҳам, Ер ҳам** (аза тутиб) **йиғлагани йўқ»** (Духон: 29) деди, чунки еру осмон кофиру мунофиқларга, Аллоҳнинг шариатига қарши курашувчиларга йиғламайди, балки солиҳ мўминнинг бу дунёдан кетганига йиғлайди.

Бундан ҳам қизиқроғи – ер баъзи мунофиқларнинг жасадларини ўзига қабул қилмайди, ҳар қанча дафн қилмасинлар, уларни қайта-қайта чиқариб ташлаганига гувоҳ бўлинган.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: «Ичимизда Бану Нажжорлик бир киши бор эди, «Бақара», «Оли Имрон» сураларини ёд биларди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга котиблик қиларди. У қочиб кетиб, аҳли китобларга қўшилиб кетди. Улар уни таниб: «Бу Муҳаммаднинг котиби-ку» деб ажабланишди. У уларнинг орасида ҳеч қанча турмасдан ўлди. Гўр қазиб, уни кўмишди. Шунда ер уни чиқариб ташлади.

Яна қайта кўмишди, ер яна чиқариб ташлади. Охири ноилож ернинг бетида ташланди ҳолда қолдирдилар».

Албатта, мунофиқ ва секуляристлар улкан хатар устидалар. Биз устида юрган, оёқларимиз билан босаётган бу ер бир кун келиб, ўз хабарларидан гапиради. Бу унинг бандалигидан – ибодатидандир. У: «Фалончи ўғли фалончи фалон куни шундай-шундай гуноҳларни қилган» дейди.

Баъзан Рабби унга инсонларни унинг устида туриб қилган гуноҳлари сабаб уларни ўз бағрига қабул қилмаслигини ваҳий қилади. Ер қабул қилган тақдирда ҳам уларни ўз ичида алангаланиб турувчи оловлар билан кутиб олади.

Шунингдек, Аллоҳ таоло ерга пайғамбарларнинг жасадларини ейишни ҳаром қилди, бу ҳам унинг ибодати – бандалигидандир.

Гоҳида Аллоҳ субҳанаҳу ерга буюриб, баъзи одамларнинг амалларига яраша жазо сифатида уларни ҳалок қилдиради.

* * *

Ўтган жума сизларга айрим махлуқотларнинг ибодатларидан баъзи кўринишларни тақдим этган эдик. Яъни, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа жонзотларнинг ибодатлари ҳақида, шунингдек еру осмон, тоғ ва денгизлар ибодатлари ҳақида, хуллас бутун коинотнинг ўзига хос қандай ибодатлари борлиги ва уларни қандай гўзал суратда адо этаётгани ҳақида мавзуга муқаддима ўлароқ мухтасар сўзлаган эдик. Энди асосий мақсадимизга – инсоннинг қандай ибодат ва бандалик қилиши ва бу хусусда унга вожиб бўлган нарса нима экани ва нима учун инсон кўп ҳолларда энг тўғри убудият – бандалик чизиғидан оғиб кетаётгани ҳақида сўзлашга етиб келдик. Аллоҳ таоло: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат**

қилишлари учунгина яратдим» (Зориёт: 56) деди. Албатта, биз эй ёронлар, ибодат учунгина яратилдик, вужудга келдик. Қайсики банда жидди жаҳд, ҳаракат қилса, ижтимоий ё моддий ё ҳиссий ҳолатидан ёки қайси давлатга тобеълигидан қатъий назар, бошқалардан устун бўлиб, бандалик поғоналарида кўтарилиб бораверади.

Бинобарин, инсонларнинг тоат-ибодатда бўлганлари убудиятда ўзаро бир-бирларидан катта тафовутга эгалар. Уларнинг бир неча даражалари, яъни ҳаммалари учун амалларига яраша даражалар борки, уларнинг миқдорини фақат бандаларнинг Раббигина билади. Бандалик поғонасида юқори кўтарилган инсонларнинг баъзилари солиҳлар даражасига, баъзилари шаҳидлик даражасига, баъзилари эса сиддиқлик даражасига етиб бордилар. Бу даражалар орасида шунчалар кўп даражалар борки, уларнинг саноғи фақат Аллоҳнинг ўзига аён. Улар орасида: **«**(Барча яхши амалларга) **пешқадам бўлгувчи зотлар** (жаннат неъматларига эришишида ҳам) **пешқадам бўлгувчи зотлардир! Ана ўшалар ноз-неъмат боғларида** (Аллоҳ таолога) **яқин қилингувчилардир** (Воқеа: 10-13).

У ерда яна: **«Бас, ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари** (бўлмоқ) **не** (саодат)**дир!»** (Воқеа: 8).

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бу қисмларнинг ҳар бири учун ўзига муносиб бўлган мукофот ва неъматларни ҳозирлаб қўйган.

Яна такрор айтаман, бандаларнинг бандалик даражаларидаги мартабалари саноғини фақат бандаларнинг Раббигина билади. Муҳтарам биродарлар, энди ушбу мартабалардан баъзиларини ҳамда улардан ҳар бирининг

Аллоҳ таоло ҳузурида тутган манзилатини эътиборингизга ҳавола қиламан.

Мусулмон биродарим, ўзингизга қаранг, сиз ўзингизни бу синфлардан қай бирига кирита оласиз, улардан қайси қисмга тўғри келаман деб ўйлайсиз, қайсинисига лойиқман деб ҳис қиласиз. Шулардан келиб чиқиб биз бу мартабаларга қай даражада яқин ё узоқлигимизни билиб оламиз. Сизга ҳавола қилаётганим бу мартабалар барча мартабаларни қамраб олган эмас, албатта, балки улардан айрим мисоллар, холос.

Биринчи мартаба: Бандалик мартабаларининг энг олийси набийлик ва расуллик мартабаси бўлиб, буларнинг эгалари танланган бандалардир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Аллоҳ фаришталардан ҳам элчилар танлар, инсонлардан ҳам. Дарҳақиқат Аллоҳ эшитгувчи, кўргувчидир»**. (Ҳаж: 75).

Сиз билан мен бу мартабадан эмасмиз, чунки бу мартаба фақат Аллоҳнинг Ўзи танлаган бандаларга насиб қилган. Бу мартаба аҳллари ҳам ўзаро бир-бирларидан имтиёзлидирлар. Барчалари пайғамбар бўлсалар-да, баъзилари баъзиларидан афзал бўладилар. Аллоҳ таоло айтади: **«Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ** (бевосита) **сўзлаган зотлар бор. Ва** (уларнинг) **айримларини** (Аллоҳ) **юксак даражаларга кўтарди»** (Бақара: 253).

Уларнинг энг аввалида пайғамбарлар ичидан «улул-азм» бўлганлари, сўнг расуллар, сўнг набийлар турадилар. Дарҳақиқат, барчалари Аллоҳ таолога бандалик мақомини тўлақонли адо этганлар, тирикликларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам бу борада ўз қавмларига намуна бўлганлар.

Иккинчи мартаба: Расуллар ва набийларнинг издошлари мартабаси бўлиб, улар пайғамбарларнинг ворислари,

ўринбосарларидир. Улар Аллоҳнинг Ўз пайғамбарлари орқали буюрган амрларини онгли равишда амалга оширувчилар. Улар мазкур амру фармонларни расуллардан сўнг умматга етказишда воситадирлар. Улар раббонийлар, улар ҳаворийлар, улар ўзларига юборилган пайғамбарларга тириклик пайтида иймон келтирганлар, ёрдам берганлар, уларни қўллаб-қувватлаганлар. Саҳобалар мартабаси халқлар ичида пайғамбарликдан кейинги энг афзал мартабадир. Уларни ҳам Аллоҳ таоло расул ва набийларига издошликка танлаган. Одамлар инкор қилган пайтда улар ишондилар, одамлар ёлғончи деган пайтда улар тасдиқладилар. Улар Аллоҳнинг дини йўлида кўплаб азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар, Аллоҳнинг динига нусрат бериш учун молларини ва жонларини қурбон қилдилар, Аллоҳнинг расуллари билан елкама-елка туриб курашдилар, шу йўлда ўлдирдилар, шу йўлда ўлдилар. Аллоҳ уларга дунё ва охират яхшиликларини ато этди. **«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган** (мўмин)**лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида** (мўминлар билан) **эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни** (мудом) **Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан** (қолган) **белги-аломатлари бордир. Мана шу** (яъни кофирларга қаҳрли бўлиш, мўминларга меҳрибонлик ва кўп намоз ўқиб, рукуъ-сажда қилиш) **уларнинг Тавротдаги мисолларидир.** (Яъни Тавротда ҳам Аллоҳ таоло мўминларни мана шундай сифатлар билан сифатлагандир). **Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди бир шоҳлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз новдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди.** (Мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлишиб,

кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари Инжилда юқорида зикр қилинганидек ўсимликка ўхшатилиши) **улар сабабли кофирларни хафа қилиш учундир. Аллоҳ** (мўминлардан) **иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир»** (Фатҳ: 29).

Биз бу мартабадан ҳам ортда қолдик ва унга эришолмадик.

Учинчи мартаба: Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчиларнинг мартабаси. Улар Аллоҳ азза ва жалланинг аскарлари бўлиб, Аллоҳ улар сабаб динини қоим қилади ва душманларнинг ёвузлигини даф қилади. Мужоҳидлар Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши ва дин бутунича Аллоҳники бўлиши учун жанг қиладилар. Уларга ўзлари сарфлаган молларию жонлари муқобилида Аллоҳ билан қилган тижоратларидан олган фойдалари кифоя қилади. **«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми?** (Ўша «тижорат» мана будир)— **Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирасизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қиласизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши** (иш)**дир»** (Саф: 10-11).

Дарҳақиқат, жонлари ва молларини Аллоҳга сотдилар, уларнинг бу савдолари қабул бўлди ва жаннат уларга мукофот қилиб берилди. **«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди — улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб** (кофирларни) **ўлдирадилар ва** (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) **ўлдириладилар,** (Бундай мўминларга жаннат берилишига) **Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор?**

Бас, (эй мўминлар), **қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақикий буюк бахтдир»** (Тавба: 111).

Имом Бухорий «Саҳиҳ»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ушбу ҳадисни келтирган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Жаннатда юзта даража бор. Аллоҳ уни мужоҳидлар учун тайёрлаб қўйган. Ҳар икки даражанинг ораси ер билан осмон оралиғичадир»**. Мужоҳидлар бу қадар юксак даража-ю мартабаларга нега ҳам эришмасинлар. Ахир улар ўзлари чақирилган ҳар бир чақириққа лаббай деб жавоб бердилар, тезлик билан етиб келдилар. Бир қарасангиз, уларни Афғон тупроқларида кўрасиз, у ернинг тоғ-адирларини покиза қонлари билан суғораётган бўладилар. Гоҳо уларни Чеченистон минтақаларида байроқ кўтарганларини, кофирларни ер тишлатганларини эшитасиз. Гоҳо Болқон ерларида мусулмон биродарлари билан елкама-елка туриб, серб кофирларига қарши жанг қилаётганлари хабари келади. Қаерда жиҳод байроғи кўтарилмасин, бу мартаба соҳиблари ўша ердадирлар. Эл-юрт ва дўст-ёрлари билан видолашиб, оила ва фарзандларини ташлаб, икки яхшиликнинг бирини: нусрат ёки Аллоҳ йўлидаги шаҳидлик талабида ўша жойларга қараб йўл оладилар.

Билмадим, мен ва сиз қиёматда улар жумласидан бўламизми, улардан деб эътибор қилинамизми ёки йўқми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Кимки ғазот қилмаса ва бу ишни дилига тугмаса, мунофиқликнинг бир бўлагида ўлади».** (Муслим ривояти).

Бунинг муқобилида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна шундай дедилар: **«Кимки Аллоҳдан сидқидил билан шаҳидликни сўраса, гарчи тўшагида ўлса ҳам,**

Аллоҳ уни шаҳидлар манзилатига етказади» (Муслим ривояти).

Тўртинчи мартаба: Олимлар мартабаси. Бу мартаба ўз соҳибларига қутлуқ бўлсин! Улар бу майдонда умматнинг ҳақиқий эрлари, улар чавандозлар, улар паҳлавонлар.

Уларнинг убудият поғоналарида етарли улушлари бор. Зеро улар илм омонатини ўз зиммаларига олмоқдалар, Аллоҳнинг динини зое бўлишдан сақламоқдалар, одамларга етказмоқдалар, ваъз-насиҳатлар қилмоқдалар, амри маъруф ва наҳий мункар қилмоқдалар. Олимлар жоҳилларга таълим берадилар, адашганларни йўлга соладилар, бидъатчилар ва ҳавои нафсга берилганларга раддиялар бериш билан Аллоҳнинг динини ҳимоя қиладилар. Подшоҳларга, давлат бошлиқларига юзма-юз турадиганлар, уларни зулмдан қайтарадиганлар ҳам олимлардир. Улар пайғамбарларга ворис, чуқур илм эгаларидир. Ҳаётларининг гўзал даврини, ёшликларининг авжини илм ҳалқаларида, том-том (жилд) китоблар орасида ўтказдилар, кечаю кундузларни матнлар ёдлаш-у, шарҳларни ўқиш билан ўтказдилар. Улардан бошқалар худди шу пайтда вақтларини соҳилларда, боғларда, телевизор олдида ўтказган эди. Олимлар доимо ҳаракатда, ижтиҳодда бўлганларидан шу даражаларга етдилар. Уларнинг фазилатлари улуғ, манзилатлари олий. **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина қўрқур»** (Фотир: 28).

Бизнинг устимизда уларнинг ҳақлари катта, биз Аллоҳ таолодан уларни ўз ҳифзи ҳимоясида сақлашини, умрларини узоқ қилишини сўраймиз. Ахир олимлар кетса, одамларга ким жон койитади, агар олимлар жим турса, одамларга ким таълим беради?! Шунинг учун денгиздаги балиқлар, инидаги

чумолилар уларга истиғфор айтиб туришларидан ажабланмаса ҳам бўлади. Зеро, ҳадиси шарифда айтилганидек, **«олимнинг обидга нисбатан афзаллиги ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Албатта олимлар пайғамбарларниннг меросхўрларидир, пайғамбарлар динор ва дирҳамни мерос қолдирмаганлар, балки илмни мерос қолдирганлар. Ким уни олса мўл улушни олибди»**. (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Бешинчи мартаба: Одамларга эҳсон, садақа ва яхшилик қилувчилар мартабаси бўлиб, улар одамларнинг турли эҳтиёжларини қондирадилар, уларга ёрдам берадилар, ғамларини кетказиб, оғирларини енгил қиладилар. Улар Аллоҳнинг олдидаги нарсага қизиқадилар ва бойликларидан эҳсон қилаётган нарсалари Аллоҳнинг олдида зиёда бўлиб, кўпайиб туришига аниқ ишонадилар. Садақа туфайли моллари камайган пайтда Аллоҳ азза ва жалланинг сўзини ёдга оладилар: **«Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юztадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди.** (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) **Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ** (фазлу карами) **кенг, билгувчидир** (Бақара: 261).

«Мол-дунёларини кечаю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурида улуғ ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар» (Бақара: 274).

Бандаларнинг бу синфи ўзларида бўлган барча мол-дунёлар тугаб битишига, Аллоҳнинг ҳузуридаги ажр савоблар эса боқий эканлигига, қилаётган эҳсонлари аслида ўз

молларидан эмас, балки Аллоҳ уларнинг қўлида қилиб қўйган Аллоҳнинг моли эканига, Аллоҳ уларни бу бойликка эгадор қилиб қўйганига ва қандай садақотлар қилишларига, қайси йўлга сарф қилишларига, кимларга нафақа қилишларига, қандай иш юритишларига қараб, кузатиб туришига чин дилдан эътиқод қиладилар. Агар бирор масжид қурилишини эшитсалар, мол сарфлашга бир-биридан ўзишиб кетадилар, агар бирор бева-бечорани эшитсалар, хизматига шошиладилар, агар шаръий хайрия лозим бўлган ўринларни билиб қолсалар, уларга сарф қиладилар. Офарин уларга! Фарзларни бажаришда одамлар билан тенг, баб-баробардирлар, қилган эҳсонлари билан эса одамлардан юксалиб кетдилар. Булар ҳаммаси фақат Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсага рағбат бўлиб, инсонлардан бирор мукофот ёки раҳмат кутмайдилар.

Сиз ҳам уларданмисиз, эй Аллоҳнинг бандаси?

Олтинчи мартаба: Аллоҳ азза ва жаллага даъват қилувчилар мартабаси. Улар илм толиблари, яхшилик ва ислоҳ даъватчилари. Аллоҳ таоло уларни яхшилик ва тўғрилик йўлига ҳидоятлаб қўйган. Бемаъни кўнгил очадиган нарсалар кўпайган, бузуқлик ва ёмон ишлар кенг тарқалган даврда Аллоҳ азза ва жалла уларни сақлаган кишилардир. Улар яхшиликни фақат ўзлари учун қилмайдилар. Зиммаларига Аллоҳ таолога даъват вазифасини олганлар. Гуноҳу маъсият ботқоғига ботиб, ҳалок бўлаётганларни қутқаришни елкаларига олганлар. Одамлар орасида юриб бунисига илм берадилар, унисига тўғри йўл кўрсатадилар, намоз ўқимайдиганларга бу ишнинг хатарини тушунтирадилар, эътиборсизларга шаръий ҳукмларни шарҳлаб берадилар. Ичиш, чекиш ва ҳаром нарсаларга ўралашиб қолганларни

ундан халос қилишга ва Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилишнинг катта гуноҳ эканини уларнинг дилларига етказишга ҳаракат қиладилар. Ким динда ноқис бўлса, ноқислигини комил қиладилар ва ким тойилса тургизиб қўядилар. Бу ишларнинг барчасини ҳикмат, чиройли панд-насиҳатлар ва намунали мисоллар билан олиб борадилар. Бир қарасангиз дарс ўтаётган, яна бир қарасангиз мақола ёзаётган бўладилар. Кимларгадир китоблар, яна кимларгадир кассеталар тарқатадилар. Ғамлари фақат одамларнинг ҳидояти бўлиб, дам олиш, истироҳат вақтларини даъват йўлига бағишлаганлар.

Еттинчи мартаба: Аллоҳнинг бандалари эришадиган мартабалардан яна бири – солиҳлар мартабасидир. Улар Аллоҳнинг фарзларини бажарадилар ва Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини очган қадар нафл ибодатларни ҳам зиёда қиладилар. Баъзилари кўп вақтларини рукуъ-сужудлар билан ўтказадилар, баъзилари Қуръонни кўп ўқийдилар, баъзилари эса кўп рўза тутадилар. Улар ичида кўп зикр қилувчилари, ўта сабрлилари бор. Баъзилари эса турли яхшиликларни кўпайтиришда, адашганларни йўлга солишда ижтиҳод қиладилар. Улардан биронтаси гуноҳ қилиб қўйса, тез қайтиб тавба қилади. Улар Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларига лойиқдирлар:

«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар)**. Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар»** (Сажда: 16).

«Улар кечадан озгина (фурсатгина) **кўз юмар эдилар»** (Ваз-Зариёт: 17).

Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда айтган:

«Ким Менинг дўстимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам унга фарз қилган амалларимдан кўра Менга суюмлироқ бўлган бошқа бирон нарса билан Менга яқинлашмаган. Бандам Менга нафл амалларни қилиш билан яқинлашиб бораверади, ҳаттоки Мен уни яхши кўриб қоламан. Агар яхши кўриб қолсам, Мен унинг эшитадиган қулоғига, кўрадиган кўзига, ушлайдиган қўлига ва юрадиган оёғига айланаман. (Яъни, у фақат мен хоҳлаган ва мени рози қиладиган нарсаларни эшитади, кўради ва ҳоказо.) **Агар сўраса, албатта бераман, паноҳ тиласа, албатта паноҳимга оламан».** (Бухорий ривояти).

Бизнинг бу замонимизда ҳам шундай инсонлар бормикин?! Аллоҳга қасамки, улар анқонинг уруғидек бўлиб қолдилар. Аллоҳ азза ва жалла бизларга Ўзи раҳм қилсин.

Саккизинчи мартаба: Нажот аҳлининг мартабасидир. Улар Аллоҳ таолонинг фарзларини адо қиладилар, ҳаром қилган нарсаларидан тийиладилар ва шуларгагина чекланадилар, бундан озайтирмайдилар ҳам, кўпайтирмайдилар ҳам. Ана ўшалар қуйидаги ҳадисга мувофиқ нажотга эришган кишилардир:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир аъробий келиб у зотдан: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ менга фарз қилган намоз ҳақида айтиб беринг» деб сўради. У зот: «**Беш вақт намоз. Агар хоҳласанг нафл намозларни ўқи»** дедилар. «Аллоҳ менга фарз қилган рўза ҳақида айтиб беринг», деди. «**Рамазон рўзаси. Агар хоҳласанг нафл рўза тут»**, дедилар. ... Ва ҳоказо ислом арконларини сўради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга Ислом асосларини баён қилиб бердилар. Шунда у:

«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ менга фарз этган нарсалардан ҳеч нарсани зиёда ҳам қилмайман, камайтирмайман ҳам», деди. «**Агар** (ўз сўзида) **содиқ бўлса, нажот топди!»,** дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Бир ривоятда: **Агар** (ўз сўзида) **содиқ бўлса,** (аниқ) **жаннатга киради»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Демак, нажот беш вақт фарз намозни, закотни, рўзани, қодир бўлса ҳажни адо қилишда, ҳаромлардан узоқлашиш ва унга тушиб қолмасликдадир. Агар улардан биронтаси кичик гуноҳлардан бирор гуноҳни қилиб қўйса, қилаётган бошқа нафл ибодатлари унга каффорат бўлади. Аллоҳ азза ва жалланинг сўзига мувофиқки: **«Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўкис адо қилинг! Албатта, яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур, бу қулоқ тутгувчилар учун эслатмадир»** (Ҳуд: 114).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига мувофиқки: **«Ёмонлик кетидан яхшиликни эргаштир, уни ўчириб юборади».** (Термизий ривояти).

Эй биродарим, мен ва сиз ўзимизни ҳеч бўлмаганда шу синфга лойиқ дея оламизми? Нажот аҳлидан бўла оламизми? Ё аросатда қолиб кетамизми? Раҳматингни дариғ тутма, раҳматингни дариғ тутма, эй меҳрибонларнинг Меҳрибони!

Тўққизинчи мартаба: Жонларига жабр қилганлар мартабаси. Улар Аллоҳ таоло фарз қилган амалларни қиладилар, лекин маъсияту гуноҳга ўралашиб қоладилар. Аллоҳ қайтарган нарсаларни қиладилар. Бир тарафдан бандаликни адо қиладилар, бир тарафдан қосирлик қиладилар. Гуноҳларига тавба қиладилар-у, лекин шайтоннинг қамрови доимий, қалблари унга мойил. Улар гуноҳлар содир қилиш

билан ўзларига зулм қилувчидирлар. Улар Аллоҳ таолонинг: **«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар!»** деганини эшитадилар, қалблари тавбага ва Аллоҳга қайтишга мойил бўлади, сўнг яна гуноҳга қўл уриб қўядилар.

Мусулмон биродар! Бу бандаларнинг убудият поғонасидаги баъзи мартабалари бўлиб, бошида айтганимдек барча мартабаларни қамраб олган эмас, балки улардан айрим намуналар холос. Ҳар биримиз ушбу мартабалардан қай бирига мансублигимизга бир қараб кўрайлик. Масалан, сиз ўзингизни нажот аҳлидан дея оласизми? Ёки ўзингизни олимлар жамоасида кўрасизми? Ёки сиз хайру эҳсон, садақа аҳлиданмисиз? Ёки солиҳ бандаларданмисиз? Яъни, кечалари қоим, кундузлари соим, шулар орасида зокир, тасбеҳ айтувчию истиғфорлар қилувчимисиз? Ёки мен ва сиз ўз жонига жабр қилган сўнгги мартаба эгаларига кўпроқ яқинмизми?

Хулоса шуки, инсон огоҳ ва ҳушёр бўлиши, яхши амаллар қилиши, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан четланиши, ҳаётлик пайтида ўз Ҳожасига бўлган бандалигини тўла рўёбга чиқариб олиши лозим.